



Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

2022-yil 26-may, payshanba,
60 (23.627)-son

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz



https://www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews_uz

Бу йил республика-
мизда 390 минг нафар-
дан зиёд ўқувчи-ёшлар
умумтаълим мактаб-
ларини битирмоқда. Ҳеч
шубҳасиз, ўз билим ва
истеъдодини Вата-
нимиз ва халқимизга
муносиб фарзанд
бўлишдек олижаноб
мақсадларга сарф-
лашга чоғланиб турган
сиздек тиришқоқ ва
интилувчан фарзанд-
ларимиз – бизнинг
ишончимиз ва таян-
чимиз, Янги Ўзбекис-
тоннинг олтин фонди,
бебаҳо хазинасидир.
Шавкат МИРЗИЁЕВ.

Президент фармонига кўра

200 мингдан 400 минг сўмгача бир марталик ёрдам пули берилади

Президентимизнинг 2022 йил 25 майда қа-
бул қилинган “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга
муҳтож қатламларини манзилли қўллаб-қув-
ватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғри-
сида”ги фармонига мувофиқ қуйидаги шахс-
ларга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан
бир марталик ёрдам берилади:

- ёшга доир, ногиронлик пенсияси ва нафақаси-
ни олувчиларга, болаликдан ногиронлик нафақасини
ҳамда боқувчисини йўқотганлик пенсиясини ва нафақа-
сини олувчи ҳар бир оила аъзосига, ўзгалар парвари-
шига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болалар-
нинг парвариллаш нафақасини олувчиларга;
- Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда —
300 минг сўмдан;
- Тошкент шаҳрида — **400 минг сўмдан.**

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими
орқали кам таъминланган сифатида моддий ёрдам
олувчи оилаларга ҳамда кам таъминланган сифатида
болалар нафақасини олувчи оилаларнинг ҳар бир 18
ёшга тўлмаган боласига — **200 минг сўмдан.**

Бир марталик моддий ёрдам тўловлари **икки ҳаф-
та муддатда** тўлиқ тўлаб берилади.

Уйда вақтинча бўлмагани ёки бошқа сабаблар-
га кўра, бир марталик моддий ёрдам пулларини ўз
вақтида ололмаган фуқаролар тўланмаган моддий
ёрдам пулларини **2022 йил 1 сентябргача** олиш
ҳуқуқига эга.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазир-
лар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман
(шаҳар) ҳокимлари, сектор раҳбарларига:

а) “Темир дафтар”га киритилган ҳамда мазкур
қарорга асосан бир марталик моддий ёрдам пулла-
рини олмаган эҳтиёжманд оилалар рўйхатини шакл-
лантириш, “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағла-
ри ҳисобидан ушбу оилаларнинг ҳар бир аъзосига
20 килограмдан бепул ун тарқатиш;

б) ижтимоий аҳоли оғир бўлган оилаларга “Сахо-
ват ва кўмак” жамғармаси ва бошқа манбалар ҳисо-
бидан бепул ун тарқатишни ёки нақд пул кўринишида
моддий ёрдам кўрсатиб боришни таъминлаш вазифаси
топширилди.

2022 йил давомида маҳалла фуқаролар йиғинла-
ри раислари ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда
ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида эҳтиёжманд
оилаларнинг аҳолини мунтазам равишда ўрганиб
боради.

Кеча юртимиздаги барча умумтаълим
мактабларида “Сўнгги кўнғироқ” тадбирлари
ўтказилди. Унда йил давомида аъло баҳо-
ларга ўқиб, юқори рейтинг кўрсаткичларига
эришган иқтидорли битирувчилар тақдирла-
ниб, рағбатлантирилди.

Шунингдек, барча таълим муассасаларида тадбирлар-
ни юқори савияда ўтказиш, битирувчиларга оқ йўл тилаш
мақсадида ҳар бир мактабда вилоят раҳбарлари, депу-
татлар, корхона-ташкilotлар масъуллари иштирокида
учрашувлар ташкил этилди.

Вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов Самарқанд шаҳри-
нинг Қорасув массивидаги 81-умумий ўрта таълим макта-
бида ўтказилган “Сўнгги кўнғироқ”да иштирок этди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси
билан бошланди.

Шундан сўнг вилоят ҳокими Президентимизнинг мак-
таб битирувчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттир-
ди. Мактабни битираётган йигит-қизларни табриклаб,
уларнинг келгуси ўқиш ва ишларида омад тилади.

– Биз Янги Ўзбекистоннинг янги массивидаги янги
мактабнинг илк битирувчилари бўлганлигимиздан фахр-
ланамиз, – деди мактаб битирувчиси Мухлиса Рустамова.
– Албатта, тенгдошларим, мактабимизнинг 21 нафар илк
битирувчилари билдирилган ишончни оқлаб, олий таълим
муассасаларига ўқишга кириб, юртимиз равнақига муно-
сиб ҳисса қўшамиз.

Тадбирда мактаб битирувчиларига шаҳар кенгаши
депутатлари томонидан китоблар совға қилинди.

Бу йил вилоятимиздаги мактабларни 45200 нафар
ўқувчи битирмоқда. Улардан 300 нафарга яқини муддати-
дан олдин хорижий олий таълим муассасаларига ўқишга
кирди.

26 қурилиш объектида ишлар сифатсиз амалга оширилгани аниқланди

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 22 январда имзоланган “2022 —
2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб
чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари
тўғрисида”ги қарорига асосан, жорий йилда Самарқанд вилоятида
98 та объектда, жумладан, таълим, тиббиёт ҳамда спорт муассаса-
ларида қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиши белгиланиб,
бунинг учун маблағ ажратилган.

Айни пайтда объектларда қурилиш
ишлари олиб борилмоқда. Аммо вилоят
ҳокимлигининг ишчи гуруҳи туман ва
шаҳарлардаги бунёдкорлик ишлари ҳола-
тини ўрганганда, 26 объектда ишлар си-
фатсиз амалга оширилаётгани аниқланди.
Буюртмачилар ҳамда лойиҳа муаллифлари
томонидан техник ва муаллифлик назо-
рати номигагина олиб борилаётганлиги
кузатилди.

Жумладан, Қўшработ туманидаги
77-умумтаълим мактаби “Universal inshoot
stroy” масъулияти чекланган жамияти то-
монидан 220 ўринли қўшимча бино барпо
этилмоқда. Қурилиш жараёни монито-
ринг қилинганда, ҳудуд ўраб олинмагани,

ғишлар сифатсиз терилгани ва бошқа бир
қатор камчиликлар аниқланди. Шунга қа-
рамасдан, буюртмачи томонидан иш ҳажми
қабул қилиниб, молиялаштирилган.

– Материалларимиз сифати белгилан-
ган талабларга жавоб беради, тегишли
сертификатларига эга, – дейди “Universal
inshoot stroy” МЧЖ раҳбари Рамиз Тошму-
родов. – Лекин иш бошқарувчи ва ўзим-
нинг эътиборсизлигим сабабли ишчилар
ишни сифатсиз бажаргани маълум бўлди.
Албатта, бундан тегишли хулоса қиламиз
ва барча камчиликларни бартараф этамиз.

Нуробод туманидаги 16-умумтаъ-
лим мактаби спорт зали қурилишида
ҳам “Lazizjon stroy servis” масъулияти

чекланган жамияти томонидан жиддий
хато ва камчиликларга йўл қўйилгани,
лойиҳада белгиланган ишлар бажарилма-
гани аниқланди. Жумладан, темир-бетон
белбоғи лойиҳа талабларига зид равишда
турли хил баландликда ўрнатилган, қуйма
бетон ишларида кичик механизмлар ишла-
тилмаган.

Самарқанд шаҳридаги 5-оилавий поли-
клиника биносини реконструкция қилиш,
Қорасув массивида 1-туғруқ мажмуаси ва
оилавий поликлиниканинг янги биносини
қуриш жараёнида ҳам қурилиш меъёрлари
қўпол равишда бузилган. Лойиҳаларда
белгиланган ишлар бажарилмаган.

Ўрганиш якунлари бўйича ўтказил-
ган муҳокамада ҳар бир объект бўйича
аниқланган камчиликлар қурилишга
масъуллар ва туман, шаҳар мутасаддилари
иштирокида танқидий таҳлил қилинди.

– Қурилиш билан боғлиқ коррупция-
вий ҳолатларнинг олдини олиш, ажрати-
лаётган маблағнинг тўғри ва ўз ўрнида
ишлатилиши, муҳими, қурилишда сифатни
ошириш мақсадида бу йил “Шаффоф қури-

лиш” тизими йўлга қўйилди, – деди вилоят
ҳокими Э.Турдимов. – Афсуски, мазкур
электрон тизимда ҳам нотўғри ва ёлғон
маълумотлар киритиш ҳисобиغا юқори
балл олиб, тендерда ғолиб бўлиш ҳолатла-
ри аниқланди. Бундай ишга қўл урганлар
ва бунга йўл қўйганлар ишга ҳам албат-
та, тегишли органлар томонидан ҳуқуқий
баҳо берилади. Аммо қинғир йўллар билан
объектни ютиб олиб, қурилиш ишларини
сифатсиз бажараётган қурувчиларнинг ҳа-
ракатларини ҳеч нарса билан оқлаб бўл-
майди. Ахир бу мактаб, шифохона, спорт
залларига халқнинг фарзандлари кириб,
таълим-тарбия олади, тиббий хизматдан
фойдаланади, спорт билан шугулланади.
Нима, бу қурувчиларнинг фарзанди, наби-
раси йўқми? Улар ўз фарзанди қирадиган
биноларни ҳам шундай қилиб қурадимиз,
виждони оғринмайдими?

Муҳокама жараёнида қурилиш объект-
ларида ишларни етарли даражада ташкил
этмаганлиги, белгиланган техник назорат
ишларини олиб бормаганлиги ҳамда ўз ва-
зифасига совуққонлик билан қараганлиги
учун вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи
хизмати” инжиниринг компаниясининг 5
нафар ходими ва вилоят қурилиш назорат
инспекциясининг 2 нафар ходими вази-
фасидан озод этилди. Айрим раҳбарларга
интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Ғ.ҲАСАНОВ.

КОНСТИТУЦИЯ – АҚИДА ЭМАС

ҲАРАКАТЛАРНИНГ, БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИНГ ДАСТУРИДИР

Бугунги кунда, “дунёнинг конституциявий харитаси”да
500 дан ортиқ амалдаги конституция бўлиб, улардан
200 га яқини – мустақил давлатлар, 300 дан ортиғи –
федерациялар субъектларига тегишли.

Шу билан бирга, Шумер шоҳи
Ур-Наммунинг Қонуналар тўпла-
ми дунёнинг энг қадимги ёзма
конституцияси деб ҳисобланади
– сопол пешлавахчаларнинг ёши
4 минг йилдан ошган.

Бунда Конституция – ақида
эмас, балки ҳаракатларнинг,
барқарор тараққиётнинг дас-
туридир. Тузатиш, ўзгартириш
киритиш имконияти барча
конституцияларнинг фунда-
ментал хусусиятидир. Жамият
тарихий ривожланишининг турли
босқичларида бирдек хизмат
қиладиган конституциявий матн-
ни биттада ва абадий яратиб
қўйишнинг иложи йўқ.

Шундай қилиб, ХХ асрнинг
охирги ўн йиллиги ва ХХI аср-
нинг боши дунё юриспруденция-
си тарихига жаҳон ҳамжамияти
вакиллариинг конституциявий
тузумида конституциявий ис-
лохотларнинг янги сифат босқи-
чига чиқиши, конституциявий
дунёқарашда сифат жиҳатидан
чуқур ўзгаришлар даври сифа-
тида киради. Хусусан, сўнгги 30
йил ичида дунёнинг 100 дан ор-
тиқ мамлакатида конституциявий
ислохотлар амалга оширилди,
57 давлатда янги конституция
қабул қилинди. Эътиборлиси,
конституцияга энг кўп ўзгарти-
риш ва қўшимчалар киритган

давлатлар ўнталигида Мексика,
Янги Зеландия, Бразилия, Швей-
цария, Австрия, Исроил, Чили,
Колумбия, Грузия ва Ҳиндистон
мавжуд. Бунда, конституциявий
ислохотларнинг аксарияти дав-
лат ва жамиятни модернизация
қилиш ёхуд сиёсий, иқтисодий
ёки ижтимоий инқирозларга
йўл қўймаслик, оқибатларини
бартараф этиш доирасида амалга
оширилмоқда.

Бугунги кунда дунёда даст-
лабки тахрирдаги конституция-
лар деярли қолмаган. Ҳозирги
кунда энг қадимий ҳисобланган
конституцияларга ҳам – АҚШ да
27 та туб ўзгартиришлар, Нор-
вегияда – 200 мартадан ортиқ
(бунда Бош комус моддаларидан
тахминан 1/3 қисмигина ўзининг
дастлабки кўринишида қолган),
Голландияда – 24 марта (бирок

1983 йилда унинг матни пухта-
лик билан модернизация қили-
ниши натижасида ундаги деярли
барча моддалар ўзгарган) ўзгар-
тириш киритилган.

Замонавий глобаллашув ша-
роитида бутун дунё мамлакатла-
ри жадал тарзда конституциявий
ривожланишнинг ўз моделини
изламоқда. Шу билан бирга,
Конституция давлатнинг сиёсий
ва ижтимоий барқарорлигини
таъминлашнинг асосий омили-
ридан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон конституци-
явий ислохотларни амалга
оширишда катта тажриба-
га эга. Хусусан, Ҳаракатлар
стратегиясида кўзда тутилган
вазифаларни амалга ошириш
доирасида Конституциянинг 21
моддасига 32 та ўзгартириш
ва қўшимча 7 марта киритил-

ган. Хусусан, улар Парламент,
Президент ва ҳукумат фаоли-
ятига, суд ҳокимиятининг мус-
тақиллиги ва ривожланишига,
ҳокимият тармоқлари ўртасида
ўзаро назорат ва мувозанатни
сақлаш тизимига, сайлов ти-
зимини демократлаштириш ва
маҳаллага тегишли бўлган.

Шу тариқа, Ўзбекистоннинг
конституциявий тараққиёти
умумжаҳон конституциявий ис-
лохотлар йўлидан кетмоқда.

Акмал САИДОВ,
Конституцияга ўзгартиришлар
киритиш бўйича таклифларни
шакллантириш ва ташкилий
чора-тадбирларни амалга
ошириш юзасидан
Конституциявий комиссия
Раиси.

(“Янги Ўзбекистон” газетасидан
қисқартириб олинди).

ЭЪТИРОФ МУБОРАК!

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фао-
лиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғар-
маси Васийлик кенгашининг жорий йил 6
майдаги “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони
билан тақдирлаш тўғрисида”ги қарорига кўра,
мамлакатимизнинг иқтисодиёт, ишлаб чиқа-
риш, илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни
сақлаш, юриспруденция ва бошқа соҳалар-
да кўп йиллар давомида ҳалол ва самарали
меҳнат қилган пенсия ёшидаги юртдошлари-
миз, шунингдек, ҳаётини оилалар мустақам-
лигини сақлаш, фарзандларимизни миллий ва
умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга
сафарбар этиб келаётган нуронийлардан бир
гуруҳи “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони би-
лан тақдирланди.

Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

I ДАРАЖАЛИ “МЕҲНАТ ФАХРИЙСИ”
КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН

Ачилов Латиф - мудофаа фахрийси, полковник.
Лухманов Ҳамза - мудофаа фахрийси, полковник.
Абдулқосимов Али - Самарқанд давлат университети
профессори.
Каримов Суюн - Самарқанд давлат университети про-
фессори.
Муқимов Зиёдулла - Самарқанд давлат университети
профессори.

(Давоми 2-саҳифада) >>>

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Насимов Абдулла – Самарқанд давлат университети профессори.
Садиев Садри - Самарқанд давлат университети профессори.
Турсунова Маккамой - Самарқанд давлат университети профессори.
Тўракулов Бехзод - Самарқанд давлат университети доценти.
Шодиев Нарзиқул - Самарқанд давлат университети профессори.
Қувондиқов Облоқул - Самарқанд давлат университети профессори.
Аллаёров Яхшинор - тиббиёт фахрийси.
Содиқов Наим - Самарқанд тиббиёт университети доценти.
Жўрабеков Зоир - Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор.
Мамашарипова Дилором - Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси.
Холмуродова Зулфия - Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.
Эркабоева Завра - Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.
Маматқулов Амонқул - суд тизими фахрийси.
Облоқулов Салом – прокуратура фахрийси.
Алибеков Жуманиёз - партия фахрийси.
Орипов Анвар - кишлоқ хўжалиги фахрийси.
Рўзимуродов Барака - “VETERAN” бирлашмаси фахрийси.
Шукуров Сиддик - “VETERAN” бирлашмаси фахрийси.
Атаров Назар - жамият фахрийси.
Бозоров Обид - “Нуроний” фахрийси.
Холмуродов Рустам - давлат ва жамоат арбоби.
Амирова Саломат - кишлоқ хўжалиги фахрийси.
Атаев Толлибой - кишлоқ хўжалиги фахрийси.
Ашуров Тошпўлат - халқ таълими фахрийси.
Бахромов Абдулла - кишлоқ хўжалиги фахрийси.
Бахронов Ахрорқул - халқ таълими фахрийси.
Бобокалонов Ибрагим - тиббиёт фахрийси.
Бобохўжаев Музаффар - халқ таълими фахрийси.
Бобомуродова Хосият - шоира, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.
Бултаков Абдиқодир - қурилиш фахрийси.
Жалилов Жаффар - саноат фахрийси.
Зиядиллаев Эводилла - халқ таълими фахрийси.
Лутфуллаев Умирлло - тиббиёт фахрийси.
Матлюбов Ақобир - олий таълим фахрийси.
Муртазаев Ибрафил - тиббиёт фахрийси.
Омонов Усмон - халқ таълими фахрийси.
Пардаев Мамаюнус - фахрий иқтисодчи, профессор.
Раҳматов Нусрат - Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.
Сайдмуродов Жўрақул - маҳалла фаоли.
Сапаров Ҳазратқул - халқ таълими фахрийси.
Соҳибназаров Насрулло - Ўзбекистон халқ устаси.
Таниев Элибой - Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор.
Тошматов Нормамат - кишлоқ хўжалиги фахрийси.



“УРГУТ” эркин иқтисодий зонасида “СОСА-COLA” ишлаб чиқарилади

ҳа ишга туширилиб, 4 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди, – дейди “Ургут” эркин иқтисодий зонаси директори ўринбосари Абдуғаффор Мадаров. – Мазкур корхоналар томонидан 2022 йилнинг январь-апрель ойларида 1 298,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 29 миллион АҚШ доллари миқдорда маҳсулот экспорти амалга оширилди. Давлат бюджетига 108,1 миллиард сўм солиқ ва бошқа тўловлар амалга оширилди. Ҳозирда умумий қиймати 318,2 миллион долларлик 42 та лойиҳада қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётган бўлиб, 2022 йил

якунига қадар 19 та лойиҳа ишга туширилади ва 1600 кишининг бандлиги таъминланади. Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 4 ноябрдаги “Ургут” эркин иқтисодий зонаси фаолиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида иқтисодий зонамизга вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида 559,8 гектар ва Сурхондарё вилоятининг Денов туманида 21 гектар, жами 580,8 гектар ер майдони ажратилди. Айни пайтда мазкур ҳудудларнинг муҳандислик-коммуникация тизимларини яратиш ишлари амалга оширилмоқда. Ўз навбатида, лойиҳалар

кўриб чиқилиб тасдиқланмоқда. Жумладан, Жомбой туманидаги филиалимизда 78 миллион доллар хорижий инвестиция киритилиб, “Coca-cola” ичимлигини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Деновда ҳам ҳозирда туртта лойиҳа бўйича, жумладан, электромобиллар ишлаб чиқариш бўйича ишлар бошланди. Умуман, 2023-2026 йилларда янги ҳудудларда 1,7 миллиард долларлик 410 та, импорт ўрнини босувчи, экспортбop маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестиция лойиҳалари прогнози ишлаб чиқилган. Бунинг натижа-сида 25 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилади. Матбуот анжуманида бугунги кунда вилоятдаги 111 та кичик саноат зонасининг 26 таси тўлақонли фаолият кўрсатаётгани қайд этилди. 85 та зонада эса муҳандислик-коммуникация тармоқларини яратиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган бўлиб, йил охирига қадар қурилиш ишлари бошланиши кутилмоқда. – 2017-2022 йилларда вилоятимиздаги кичик саноат зоналарида 96 та лойиҳа ишга туширилиб, 2 мингдан ортиқ иш ўрни яратилди, – дейди Самарқанд вилояти кичик саноат зоналари дирекцияси директори Анвар Юсупов. – Йил якунига қадар яна 98 та лойиҳа амалга оширилади. Бунинг учун зарур чора-тадбирлар кўрилмақда. 2023-2026 йилларда эса лойиҳалар сонини 870 тага, ишлаб чиқариш ҳажминини 1 триллион 978 миллиард сўмга етказиш кўзда тутилган. Матбуот анжумани иштирокчилари “Ургут” эркин иқтисодий зонасининг “Мерганча” массивидаги саноат корхоналари фаолияти билан танишди.

➡ Мутахассис фикри

Ёғингарчиликнинг экинларга таъсири қандай?

Бу йил баҳорги ёғингарчилик анча кўп бўлди. Табиий офатлар, қутилмаган тошқинлар ҳам кузатилди. Хўш, серёғин баҳорнинг қутилган ва қутилмаган ташвишлари қандай бўлди? Бу борада соҳа масъулларининг фикрлари билан қизиқдик.

СУВ ЗАХИРАМИЗ 26,5 МИЛЛИОН КУБГА КўПАЙДИ

Фарҳод РАЖАБОВ, Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи:

– Ҳар йили айни март-май ойларида вилоятимизнинг асосий сув таъминоти бўлган Зарафшон дарёсининг сув сарфи камайиши кузатилади. Деҳқончилик учун энг муҳим даврда сувнинг ҳар бир томчиси зарга тенг бўлади. Жорий йил баҳор ойларида ёғингарчилик кўп кузатилди, натижада экин майдонларида сувга бўлган талаб бир мунча камайди. Ёғингарчилик натижасида ҳосил бўлган сел сувлари вилоятдаги сув хўжалиги объектларига талафот етказмади, сел сувлари сув омборларига йўналтирилди. Вилоятимизда жами 9 та сув омбори бор, шундан 7 та сув омбори булоқлар ва ёмғир сувларида ҳосил бўлувчи сув омборлари ҳисобланади. Ёғингарчилик кўп кузатилиши натижасида вилоятдаги кичик сел сув омборларига 1 май ҳолатида 65,7 миллион метр куб ҳажмда сув захира қилинди. Бу 2021 йилга нисбатан 26,5 миллион метр кубга кўп. Шунингдек, Зарафшон дарёси суви ҳисобига “Каттакўрғон” ва “Оқдарё” сув омборларида захира яратилмоқда. Бироқ сув омборларида тўпланган захира сувлари, дарёдан келаётган сув сарфи ўртача кўп йиллик сув сарфига нисбатан кам, десак муболаға бўлмайди. Кейинги йилларда республикаимизда сув танқислиги кузатилмоқда. Бундай вазиятда сувнинг ҳар бир томчисидан унумли фойдаланиш лозим.

Жорий йилнинг 10 март куни Вазирлар Маҳкамасининг “2022 йилда қўллаб-қўллаш сув танқислиги шароитида қишлоқ хўжалиги экинларини сув билан ишончли таъминлашга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан сув олиш лимитлари, насос станциялари учун электр энергияси миқдорлари, шунингдек, сув танқислигини юмшатиш бўйича амалга оширилаётган ирригация тизимлари ва улардаги гидротехник иншоотларни, насос агрегатлари ва сўғориш қудуқларини таъмирлаш-тиклаш ва қуриш ишларининг режаси белгиланб берилди.

Сув танқислигини юмшатиш, сувдан оқилона фойдаланиш бўйича энг тўғри йўл ва бугунги кун талаби – бу қишлоқ хўжалик экинларини сўғоришда сув тежовчи технологияларни жорий этиш ҳисобланади.

2022 йилга қадар вилоятимизда жами 77 минг 950 гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилган. Шундан 49 минг 875 гектар майдонда томчилатиб, 1131 гектарда ёмғирлатиб ва 26 минг 944 гектарда бошқа турдаги технологиялар ишга туширилган.

Жорий йилда 21 минг 328 гектар майдонда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш режалаштирилган ва бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.

Мисол учун, Жомбой туманида 950 гектар томчилатиб, 203 гектар ёмғирлатиб сўғориш технологиялари жорий қилиш режалаштирилган. Бугунги кунда 530 гектар майдонда томчилатиб сўғориш ускуналарини ўрнатиш бўйича ишлар бажарилмоқда.

53 гектар майдонда ёмғирлатиб сўғориш ускуналари ўрнатилмоқда.

11,7 МИНГ ФУҚАРО МЕҲНАТИ РАСМИЙЛАШТИРИЛДИ

Вилоят давлат солиқ хизмати органлари томонидан жорий йилнинг апрель ойида тадбиркорлик субъектлари билан олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида 1992 корхонадаги 11 минг 706 нафар но-расмий ишловчи фуқаролар фаолияти қонунийлаштирилди. Жумладан, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида 2216 нафар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида 7154 нафар, қурилиш корхоналарида 1186 нафар ҳамда кишлоқ хўжалиги соҳасида 1150 нафар фуқаронинг фаолияти расмийлаштирилди ва бюджетга 1,1 миллиард сўм қўшимча маблағ йўналтирилди.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси ахборот хизмати.

III ДАРАЖАЛИ “МЕҲНАТ ФАХРИЙСИ” КўКРАК НИШОНИ БИЛАН

Ахтамова Фарида - тиббиёт фахрийси.
Ашуров Немат - халқ таълими фахрийси.
Искандаров Зикрилло - кишлоқ хўжалиги фахрийси.
Холдоров Отақул - кишлоқ хўжалиги фахрийси.
Қодирова Сўймали - тиббиёт фахрийси.
Жумабаев Нумонжон - маҳалла фаоли.

Товбоев Бўрибой - халқ таълими фахрийси.
Тўраев Мусо - Ўзбекистонда хизмат кўрсатган кишлоқ хўжалиги ходими.
Тўракулов Раҳим - маҳалла фаоли.
Тўхлиев Искандар - фахрий иқтисодчи, профессор.
Убайдуллаев Жўрақул - маҳалла фаоли.
Усманов Саид - халқ таълими фахрийси.
Холмирзаев Дўстмуҳаммад - кишлоқ хўжалиги фахрийси, профессор.
Худойкулов Риза - Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.
Шарипов Абдураҳмон - фахрий муҳандис.
Шукурова Ханифа - халқ таълими фахрийси.
Юлдашев Убайдулла - фахрий иқтисодчи.
Янгибоев Толлибой - халқ таълими фахрийси.
Қиёмов Умирзоқ - халқ таълими фахрийси.

II ДАРАЖАЛИ “МЕҲНАТ ФАХРИЙСИ” КўКРАК НИШОНИ БИЛАН

Аминова Музаффар - адлия фахрийси.
Насимов Ақром - тез тиббий ёрдам фахрийси.
Раҳимов Пўлат - туризм фахрийси.
Абдурайимов Собиржон - кишлоқ хўжалиги фахрийси.
Амонов Исмоил - кишлоқ хўжалиги фахрийси.
Ахатова Жибак - маданият фахрийси.
Аҳмедова Шаҳодат - кутубхона фахрийси.
Бердиев Бекмурод - маҳалла фаоли.
Мамарахимонов Назар - маҳалла фаоли.
Мансуров Усмонқул - халқ таълими фахрийси.
Мусурмонов Тўра - маҳалла фаоли.
Набиев Ҳамроқул - тиббиёт фахрийси.
Назаров Қурбон - халқ таълими фахрийси.
Найбов Иброҳим - маҳалла фаоли.
Нодиров Ражаб - халқ таълими фахрийси.
Рўзиев Бахрол - кишлоқ хўжалиги фахрийси.
Рўзиев Раҳмон - кишлоқ хўжалиги фахрийси.
Сайфуллаев Абдурашид - маҳалла фаоли.
Солеев Аҳмаджон - профессор.
Суванов Ўқтам - халқ таълими фахрийси.
Тишбаева Башорат - халқ таълими фахрийси.
Тўранов Сафар - маҳалла фаоли.
Турдиев Шавкат - маҳалла фаоли.
Умедов Алишер - телевидение фахрийси.
Усманов Анарбай - маҳалла фаоли.
Ҳайдарова Зайнаб - Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор.
Шернаев Исмоил - халқ таълими фахрийси.
Якубжанов Олимжон - халқ таълими фахрийси.
Қурбонов Қўчқор - фахрий иқтисодчи.
Ҳасанов Ражаб - қурилиш фахрийси.

“АНДИЖОН МУЗҚАЙМОҚЛАРИ”

саломатлик учун хавфсизми?

Бугунги кунда вилоятимизнинг қайси автомагистраль йўлларида ўтманг, кўзингиз албатта, “Андижон музқаймоғи” таклиф қилаётган сотувчиларга тушади. Сўнгги вақтларда қўлида сариқ қутти кўтариб олганларни Самарқанд шаҳри ва туманлар марказларида, аҳоли гавжум бўлган жойларда кўп учратаяпмиз.

Ўтган йили ижтимоий тармоқларда “Андижон музқаймоқлари” истеъмолга яроқсиз, таркибида саломатликка зарарли моддалар бор, деган гап-сўзлар тарқалган эди. Ниҳоят, “Андижон музқаймоқлари” МЧЖ ташкил этилиб, маҳсулот патентланганидан сўнг гап-сўзлар босилганди. Аммо бугунги кунда вилоятимизга кириб келаётган музқаймоқлар махсус қадокларда эмас, балки ярим хомашё сифатида кириб келаётганлиги одамни ўйлантиради. Яқинда М-39 автомагистралидан ўтаётиб, йўл ёқасида қўлида соябон ушлаб турган сотувчидан музқаймоқ харид қилмоқчи бўлдик. Унинг махсус кийим ва қўлқоплари йўқ. Пуллари ушлаган ҳолда яна шу қўллари билан қошқини ушлаб, идишларга “музқаймоқ” солиб берапти. Маҳсулот кўчадан тинимсиз ўтаётган автомобилларнинг чанги билан қоришиб кетган. Хуллас, ўз соғлигимизни ўйлаб, сотиб олмадик.



ди ташкилотларнинг рухсатномаси йўқ-ку?! Кўча-кўйда сотилаётган ушбу музқаймоқларнинг сифатига, ундан олиб еганларнинг саломатлигига, айниқса, музқаймоқни севиб истеъмоладилуви болаларнинг ички касалликларга чалинмаслигига ким кафолат беради?

Вилоят санитария-эпидемиологик осийиштаклик ва жамоат саломатлиги хизмати бошқармаси, солиқ ва ички ишлар идоралари томонидан “Андижон музқаймоқлари” устидан рейд тадбирлари олиб борилганини эшитмадик.

Бугунги кунда ижтимоий тармоқларда “Андижон музқаймоқлари”ни сотиш учун кунига 60-70 минг сўмга ҳақ тўлашни ваъда қилинаётган эълонларни кўриш мумкин. Тадбиркорларимизнинг минглаб ишсиз ёшларни иш билан таъминлаётгани барчамизни хурсанд қилади. Улар фаолиятига ҳеч қандай қаршилик йўқ. Музқаймоқ сотувчилар шу йўл билан оиласини тебратаятган-дир. Бироқ биринчи навбатда, инсон саломатлигини ўйлаш керак.

Дилмурод ТЎХТАЕВ.

Хозирги кунда жаҳонда телемедицина хизмати кенг ривожланмокда. Мамлакатимизда ҳам ушбу хизмат турини ташкил этиш учун Инновацион ривожланиш вазирлиги стартап гранти доирасида “Innovative Developers” МЧЖ томонидан ҳамкор ташкилотлар билан бир-галликда Тошкент вилоятининг Оҳангарон тумани ҳамда вилоятимизнинг Ургут туманида инновацион телемедицина хизмати ташкил этилмокда.



НИМА ВА У ҚАНДАЙ ИМКОНияТЛАРГА ЭГА?

Халқ таълими вазири 2 нафар ўқувчига ноутбук совға қилди

Халқ таълими вазири Бахтиёр Саидов яқинда Самарқанд шаҳридаги 19-умумий ўрта таълим мактабида бўлиб, таълим муассасаси моддий-техник базаси билан танишди, ёш педагогларнинг таълим бериш услубини ўрганди. Савол-жавоб орқали ўқувчиларнинг билимига баҳо берди. Натижада мактабнинг энг иқтидорли икки нафар ўқувчисига ноутбук, 8-синф ўқувчиларига баъдий китоблар тўплами, ёш педагогик жамоага телевизор совға қилди.

Вазиримизнинг кутилмаган ташрифи жамоамиз ва ўқувчиларимизда катта таассурот қолдирди, дейди мактаб директори О.Даминова. Берилган рағбатдан руҳланиб, таълим сифатини янада оширамиз.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ.

30 июнь – “Ёшлар куни” олдидан мамлакатимизда май ва июнь ойлари “Ёшлар ойлиги” деб эълон қилинди. Шу муносабат билан вилоятимизнинг барча ҳудудларида турли тадбирлар бўлиб ўтмокда.

ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

Пайариқдан бошланади

Шаҳар ва туман марказларида ўтказиладиган “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остидаги илк фестивални пайариқликлар бошлаб берадиган бўлди. 27 май куни Пайариқ шаҳрида

“Соғлом ҳаёт учун 5 минг қадам” марафони билан бошланадиган фестивал 11 спорт тури бўйича мусобақалар, расмчилик ва амалий санъат асарлари кўргазмаси, турли танловлар, китобхонлик ва

Хўш, телемедицина хизматининг ўзи нима? Тиббий хизмат кўрсатишнинг асосий йўналиши функционал текширувни амалга ошириш, бошқа ҳудуддаги, хусусан, пойтахтдаги тиббиёт марказлари ҳамда хорижий мутахассислар ҳамда етакчи тиббиёт марказлари билан алоқа ўрнатган ҳолда касалликларга таъхис қўйиш, даволаш ва профилактикани ўз ичига олган телемедицина хизмати-ни амалга оширишдир. Мазкур туманларда ишга туширилаётган телемедицина ускуналари интернет тармоғи орқали маълумотларни узатувчи электроэнцефлограф, ультратовуш таъхиси ускунаси, электрокардиограф, дерматоскоп, отоскоп, степоскоп каби ускуналар билан жиҳозланмокда. Бу орқали маълумотларни тасвир, видео, аудио ёзув сифатида етказиб бериш ва “иккинчи фикр” ёки консилиум ташкил қилиш, маслаҳат олиш мумкин.

А.НАРБАЕВ,
Инновацион ривожланиш вазирлигининг
Ургут инновацион ҳудуди бўйича масъули.

бўш иш ўринлари ярмаркалари билан давом этади.

Шу куни ҳарбийларнинг жанговар чиқишлари, қурол-аслаҳа ва техникалар кўргазмаси, оркестр ва фахрий қоровул саф юришлари, шунингдек, болалар учун кўғирчоқ театр намоиши фестивал кун тартибидан ўрин олган.

Туман марказидаги амфитеатрда гала-концерт ўтказилади.

ган ва уни бошидан кечирган шахслар, шунингдек Чернобыль ҳалокати сабабли ногирон бўлиб қолган шахсларга, ядро полигонлари ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган шахсларга ва ёлғиз кексаларга берилади.

Шунингдек, икки йилда бир маротаба навбат асосида, уруш қатнашчиларига тенглаштирилган шахсларга, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг бева хотинларига ёки эрларига, I ва II гуруҳ ногиронлари, кўзи ожиз I гуруҳ ногиронини кузатиб боровчи шахсларга берилади. Санаторийларда бўш ўрин мавжуд бўлган тақдирда 3 йилда I маротаба навбат асосида пенсионерларга берилади.

Йўлланма олиш учун тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги ҳудудий бўлинмаларига мурожаат қилиш керак.

Акмал МАҚСУДОВ,
хўқуқшунос.



Солиқчи тадбиркорга кредит олиб берадими?

Кейинги вақтларда “Солиқчи — тадбиркорга кўмакчи” тамойили асосида ишбилармонга кредит олишда кўмак берилди, деган хабарларни кўп ўқиямиз. Аммо тадбиркорнинг тижорат банкдан кредит олишини солиқчининг хизмати, дейиш тўғрими? Умуман, солиқ идораси тадбиркорга кредит ажратилишида қандай кўмак бериши мумкин?

Саволга Самарқанд шаҳар давлат солиқ инспекцияси “Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш” шўъбаси бошлиғи Б.Аҳмедов қуйидагича жавоб беради:

– Ўзбекистон Республикаси Президентини раҳбарлигида 2020 йил 8 июль куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилиши баёнига асосан, солиқ идораларида “Солиқчи — тадбиркорга кўмакчи” тизими жорий қилинган.

Шу асосда мутахассисларимиз, аввало, янги иш бошлаган тадбиркорнинг фаолияти йўналишига қараб, қулай солиқ режимини танлаб беради.

Шундан кейин бизнес субъектининг “яшаб кетиши”, фаолият кўрсатмаётганларининг фаолиятини тиклаш, бухгалтериясини юритиш, ҳисоботларни тўлдириш ва топшириш, хуллас, муаммоларини ҳал этишда кўмак берилади.

Эндиликда солиқ идораларининг фаолияти қанча қонун бузилиши ҳолати аниқлангани ёки қўшимча солиқ ҳисоблангани билан эмас, балки солиқ қонунчилигини бузиш ҳолати қанчага қамайгани, тадбиркорларни ортиқча харажатлардан сақлаб қолишга қанча ҳисса қўшилгани билан баҳоланади.

Жумладан, ҳўжалик юритувчи субъектлар тижорат банкдан кредит олишда муаммога дуч келса, солиқ идораси томонидан тегишли банк раҳбариятига тадбиркорга фаолиятини кенгайтириш учун бўлган кредит маблағини ажратиш юзасидан амалий ёрдам сўраб мурожаат қилинади.

РЕКЛАМА, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

“URGUT SAVDO KOMPLEKSI”

масъулияти чекланган жамияти

ТАЪСИСЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ургут туман “Urgut savdo kompleksi” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг 2021 йил якунлари бўйича умумий ҳисобот йиғилиши 2022 йил 27 июнь, душанба куни соат 10:00 да жамиятнинг маъмурий биносида ўтказилади.

Йиғилишга барча таъсисчилар ва қизиқувчи ташкилотлар раҳбарлари таклиф этилади.

Ҳисобот йиғилишида қуйидаги масалалар кўрилади:

- 2021 йил якунлари бўйича масъулияти чекланган жамият бошқарув раисининг ҳисоботи;
- 2021 йил ташкилотнинг иқтисодий-молиявий ҳолати бўйича масъулияти чекланган жамият бош ҳисобчисининг ҳисоботи;
- жамият тафтиш комиссияси раисининг ҳисоботи;
- жамиятнинг 2021 йиллик бухгалтерия балансини тасдиқлаш;
- жамиятнинг 2021 йил бўйича ўтказилган “Аудиторлик текшируви”

хулосасини тасдиқлаш;

- жамиятнинг 2022 йил учун тузилган бизнес режасини тасдиқлаш;
- жамиятнинг 2022 йил учун “Штатлар бирлиги” жадвалини тасдиқлаш;
- жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича таъсисчиларга бериладиган дивидент тақсими ва унинг тўловини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;
- жамият кузатув кенгаши янги аъзоларининг, янги таркибини сайлаш;
- бошқа масалалар.

“Urgut suvdo kompleksi”
масъулияти чекланган
жамияти кузатув кенгаши.

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг “Телекоммуникация транспорт тармоғи” филиали аҳолининг алоқа хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириш, мамлакат иқтисодийётини бошқариш ва тинчлиги учун хизмат қилаётган магистраль алоқа линиялари тармоғи муҳофазасини таъминлашни сўрайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сон қарори билан тасдиқланган “Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қоидалари”га мувофиқ, магистраль алоқа линияларининг муҳофаза зонасига руҳсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

- руҳсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- магистраль алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчилик билан қўчириш, синдириш, қўйиб юбориш;
- турли хил қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- магистраль алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасида қудуқлар қазिश, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- турли хил чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва

ишқор эритмаларини тўкиш;

- магистраль алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш **КАТЪЯЯН ТАКИҚЛАНАДИ.**

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазिश, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ва бошқа ишларни қатъий равишда **ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА** амалга ошириши лозим.

Алоқа кабелларининг шикастланишига

йўл қўйманг!

Хўшёр ва эҳтиёткор бўлинг!

Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратсиз ер қазिश, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариб, алоқа кабелларининг узилишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёки жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар улардан ундириб олинади.

Эсда тутинг! Агар Сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида қандайдир ер қазिश ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурияти туғилса, кабель трассасини ўзбошимчилик билан аниқлашга уринманг ва бу масалада “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси “Телекоммуникация



транспорт тармоғи” филиалининг ҳудудий техник боғламаларига ёки магистраль алоқа кабелли трассаси белгисига кўрсатилган кабель участкаси манзилига мурожаат қилинг.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи техник боғламалар ва уларнинг кабель участкаси манзиллари ҳамда боғланиш телефон рақамлари:
“Ўзбектелеком” АК “Telekommunikatsiya transport tarmog’i” филиали (1133) – қисқа рақам
Тўртинчи техник боғламаси.

Булунғур шаҳри Самарқанд кўчаси, 18-уй.
(66) 240-08-33, 240-08-34 (соат 8:00-17:00)
(66) 442-68-15 (99) 599-01-77, 99-599-99-00
Булунғур 1-кабель участкаси.
Булунғур шаҳри Самарқанд кўчаси, 18-уй.
(66) 240-08-39, 99-599-01-66
Каттакўрғон 2-кабель участкаси.
Каттакўрғон шаҳри, Чағаноқ қишлоғи.
(66) 455-24-54, 99-750-02-42.

* * *

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолитдин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Исраилов Фарходга (2021 йил 16 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмокда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолитдин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.
*** * ***

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Холмова Мавжудага (2021 йил 4 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмокда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улўғбек кўчаси, 80-уй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Султанов Ақилбек Йўлдошович (2020 йил 29 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 73-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Иштихон туманидаги 41-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Турапова (ҳозирда Кучимова) Зарифа Абдалимовна номига берилган О`R-SH № 1098310 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Иштихон туманидаги 70-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Ахматов Улўғбек Отабек ўғли номига берилган UM № 0503117 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Иштихон туманидаги 41-ўрта мактабдан 1989 йилда Шахриев Мумин Келдибаевич номига берилган Д № 884329 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Булунғур туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабидан 2000 йилда Усмонов Икром Норбоевич номига берилган О`R-A № 756904 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Булунғур туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабидан 2002 йилда Рустамова (Хамдамова) Гулчехра Зоҳирова номига берилган OR-A № 1066173 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Булунғур туманидаги 56-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Ҳазраткулов Жаҳонгир Мустафоқул ўғли номига берилган UM № 0497219 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Қўшработ туманидаги 13-ўрта мактабдан 1998 йилда Исқандаров Камолитдин Гофорович номига берилган O`R-A № 044869 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 7-умумий ўрта таълим мактабидан 2015 йилда Мирзаев Отабек Зафар ўғли номига берилган U № 6904212 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳар коммунал хўжалик касб-хунар коллежидан 2018 йилда Мирзаев Отабек Зафар ўғли номига берилган рўйхат рақами 517, К № 5127895 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат медицина институтидан 1989 йилда Эсанова Рано Аликуловна номига берилган рўйхат рақами 20027, РВ № 864842 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд автомобил ва йўллар касб-хунар коллежидан 2018 йилда Эштурсунов Жаҳонгир Шоназар ўғли номига берилган рўйхат рақами 434, К № 5105112 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Жўш қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи (ҳозирги Қўшработ туман 1-сон касб-хунар мактаби) дан 2016 йилда Сафаров Раҳимиддин Окбўта ўғли номига берилган рўйхат рақами 900, К № 4270490 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд кооператив институти лицей-интернати (ҳозирги Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти академик лицейи)дан 2003 йилда Хушмонов Санжар Ахрорович номига берилган рўйхат О`R-A № 1504199 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат тиббиёт университети ректорати ва касба уюшмаси ҳамда университетнинг ихтисослашган болалар хирургик клиникаси жамоаси педиатрия факультети 1-болалар хирургияси кафедраси профессори Жамшед Атақуловга турмуш ўртоғи **Рохилия АТАКУЛОВАНИНГ** вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ХОКИСОРЛИК ТИМСОЛИ

➤ Устозни хотирлаб

Хокисорлик – ҳақиқий инсонийлик мезони. Хокисорлик – кибрнинг тескариси. Қаноатли инсон бировдан кам жойи бўлмаса ҳам ҳамиша камтарона юриш-туришни афзал билади. Инсон табиати шундайки, улуғлангани сари кибрланиш пайдо бўлади. Атрофдагиларнинг мулозамати, унинг фикри билан ҳисоблашиш ва ҳоказо масалалар инсонни ҳаволантиради, у ўзига бино қўя бошлайди. Агар мансабдор бўлса, кибр, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, атрофдагиларга паст назар билан қараш, “оёғи ердан узилиши”га сабаб бўлади. Бой ённки жамиятда улуғ мансаб ва мартабага эришган одамлар орасида хокисор инсонлар жуда кам учрайди. Хокисор бўлиш туғма эмас, балки тарбиянинг мукамаллиги, ҳаёт фалсафасини чуқур тушуниши ва маданияти, маънавиятининг юксаклигидан далолат беради.

Бундай улуғ инсонлар ҳамма замон-да кўп учрайди. Инсон уларга ибрат кўзи билан қарайди, ўз хатти-ҳаракатини тузатади, камчиликлари бўлса, ҳулоса қилади, бир сўз билан айтганда, улардан хокисорлиқни ўрганади. Хокисорлик, яъни ўзини тўлроқ қадар паст тутishi дегадана нимани тушунади? Албатта, ўта камтаринлик, тавозуъ, беозор бўлиш, катталарга ҳурмат ва кичикларга иззат кўрсатишнинг олий намунаси, эришган муваффақиятидан “дам урмаслик”, балки уни яшириш, ҳаётда қаноат, саховат, эзгулик, камсукумлик ва андишани ўзининг шиори деб билган кишини хокисор, бошқача айтганда, юксак маданият ва маънавият соҳиби дейиш мумкин. Яшириб нима қиламиз, бойлик ва мансаб инсон оёбўси ва улуғлиги кўрсаткичи бўлган жамиятда кўпчилик хокисор инсонлар Аллоҳнинг азиз бандалари эканлигини ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар ва уларга ачиниш билан қарашади. Гўёки улар бечора, омадсиз одамлардек. Аслида-чи? Шундай муносабатлар гирдобиди ўзининг маънан юксак фазилатларини сақлаб қолиш инсоннинг ботиний руҳий олами илоҳий нурдан баҳраманд эканидан далолат беради. Боз устига, муайян мансаб эгаси бўла туриб, шундай фазилатларга эга инсонни учратсанг, уни қанча улуғласанг, шунча кам. Чунки иззат ва шухрат шохсупасида туриб, хокисор бўлиш қаҳрамонликдир.

Самарқандда яшаб ўтган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, бир қанча давлат мукофотлари, орден ва медаллар соҳиби, филология фанлари доктори, профессор, академик Ботурхон Валихўжаев шаҳар маънавий ҳаёти тарихида сезиларли из қолдирган шиймолардан. У кишини Абдурахмон Жомийга ўхшатаман. 26 ёшимда, 1987 йил Самарқанд давлат университетига ишга келганимдан то умрларининг сўнгги кунларигача ул зот билан яқин муносабатда бўлдим. Ҳаётимда икки фаришасифат одамни учратганман. Бирги отам бўлса, иккинчиси устозим Ботурхон домла эди.

...Домла Самарқанд давлат университети ўзбек ва тожик филологияси факультетида декан, ўзбек мумтоз адабиёти тарихи кафедрасида мудири, университет проректори, бир пайтнинг ўзиди вилоятдаги бир қанча жамоат ташкилотларида фахрий раис бўлиб ишлаганлар. Қарерда ишламасин, қилган қарорлари, тутган тутумлари барча ёш қарининг баъзан очик, баъзан хуфийна эътирофиға сазовор бўларди. Айрим пайтлар кимлардир кўнгилларини гашлар, сабаб-бесабаб озор берар, кўрсатган лутфларини фаросатсизларча қадрсизлар эди. Шундай пайтларда домла бошини эгиб, ҳаёлга ботарди, қўллари кетма-кет сигарет қутисига бориб келаверар эди.

ОДДИЙЛИК ВА КАМСУҚУМЛИК...
У даврларда кафедра мудири алоҳида хонада ўтирмасди. Хона тўрида турган каттароқ стол кафедра мудирига тегишли бўларди. Ҳозир эса кафедра мудирига алоҳида хона бермасанг, ўзини камситилган ҳисоблаб юради. Лаборантга эса хона остонасига яқин жойда стол қўйиб бериларди. Мен лаборант эдим. Кун давомида кафедра ёзув-чизув ва деканат топшириқларини бажариш, ўқитувчиларнинг дарсларга қатнашиш жадавлинми назорат қилиш ва йиғилиш баённомалари ва ҳужжатларни расмийлаштириш, ҳуллас, кафедранинг барча “қора” ишлари зиммада эди. Ўқитувчилар фақат танафус пайтлари кафедрага қарар, бошқа пайтлари аудиторияда дарс бериш билан банд бўлардилар. Фақат мен ва мудири кафедрада мўжм ўтирар эдик. Дарсга кириб-чиқишларини ҳисобга олмаганди, домла ҳар кунни эртдан кечгача кафедрада ўтирарди. Ботурхон домланинг ёнида бўлиш менга завқ бағишларди. Ҳар бир гаплари менга йўланмадек туюларди. У кишининг ҳеч вақт бекор ўтирганларини кўрмаганман. Доим ё ректорат топшириқларини бажариш билан ёки диссертация ўқиш билан

Абдурахмон Жомийнинг овозасини эшитиб, узок юртлардан унинг суҳбатида қатнашиш учун келган мухлислар уни ўтирганларнинг орасидан таниб ололмас эканлар. Унинг хокисорлиги шу даражада эканки, юриш-туриш, гапириш-тинглаш, кийиниш ва ейиш-ичишда ўз хизматкорлари билан ўрталарида фарқ бўлмас экан.

Алишер Навоийнинг “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асаридан

банд бўлардилар. Ректорат топшириқларини ҳозиргиларга ўхшаб, кимларгадир топшириб қўймасдан ўзлари бажарарди. Кимлардир лаборантни қўл каби ишлатар, ўзининг қоғозлари-ю эски маърузаларини машинкада кўчириб келишга мажбур қиларди. Домла ҳеч қачон бундай юмушни менга бермаганлар. У кишининг ҳар бир хатти-ҳаракати мен учун тарбия намунаси эди.

... Бир куни кафедрага салобатли бир киши кириб келди. Одоб билан кутиб олиб, раҳматли академик Воҳид Абдуллодан кафедрага мерос қолган баланд суянчикли диванга ўтиргиздим. Ҳў таклиф этдим. Меҳмон узок вилоятдан келгани, Ботурхон ака билан танишиб, қизининг илмий иштини маслаҳатлашиш учун келганини айтди. Гапдан гап чиқиб, кичик бир қорхонага раҳбар экани, вақти тўғизлигини рўқач қилиб, домла билан тезроқ учраштиришни сўради. Домла дарсда эдилар. Мен яқин орада бўладиган танафус пайти барча ўқитувчилар кафедрага кириши ва домла билан ҳам шу ерда гаплашиб олишини айтиб, бир юмуш билан деканатга чиқдим.Танафусга кўнғирок чалинди. Кетатуриб домланинг кафедрага кириб кетаётганига кўзим тушди. Ҳартугул бүгун ўқитувчилар кам, бемалол меҳмон билан гаплашиб оладиган бўлишди, деб бамайлихотир деканатда ишларимни бажардим. Дарсга киришга кўнғирок чалинган, домла яна дарсга кириб кетганлари ва меҳмоннинг ҳам иши битганига ишонч ҳосил қилган ҳолда кафедрага кириб бордим. Қарасам, меҳмон ҳали ҳам диванга ястанганча чойдан ҳўплаб ўтирибди. “Қалай, муроднингиз ҳосил бўлдимми?”, дедим яна чой узатиб. “Домла келмадилар-ку ҳалиям”, деди меҳмон. “Ахир, ҳозиргина олдингиздан чиққан одам академик Валихўжаев бўладилар”, ажабландим мен. Меҳмоннинг авзоий ўзгарди: “Нахотки, шу инсон академик бўлса, мен у кишини оддий домлардан бири деб ўйлабман. Чойнақдаги чой тугаган экан, чой дамлаб бердилар. Туриб, бурчақдан қанд-курс олиб келиб, манзират қиларди. Қўй кўйиб бердилар. “Ҳўш, хизмат деб сўраганлари ҳам йўқ. Қайтага “йўлдан толиқиб келган бўлсангиз керак, Шухратжон ҳозир келиб қолади. Ўз уйингиздагидек бемалол ўтиринг”, десалар, мен шу кафедранинг оддий ўқитувчиларидан бири деб ўйлабман. Бир оғиз гапирмадим. Ҳатто Валихўжаевни кутяпман демабман ҳам”. Ўшанда меҳмоннинг ахволини кўринг эди. Меҳмон ҳай-ҳайлаганимга қарамай, шарт-та туриб, уятдан бошини сарак-сарак қилиб, чиқиб кетди. Менимча, домла кирганда ўрнидан турмаган ҳам бўлса керак. Домла жуда камтарона кийинар, муносабатларда тавозеъни ўрнига қўяр, ҳеч қачон ўзини қатта тутмас эди.

... Менимча, ўша куни меҳмон қатта ҳаётий сабоқ олган эди...

БЕОЗОРЛИК...
Факультетимизни янги бинога кўчиришди. Ректоримиз домланинг академиклигини ҳисобга олиб, кафедра ёнидан бир кичиккина хонани ажратиб берди. Ҳатто алоҳида телефон ҳам ўтказиб берилди. Ҳар тўқисда бир айб деганларидек, кафедрада мавжуд бўл-

ган телефон узиб қўйилди. Нима эмиш, кафедра мудирига берилган телефондан бошқалар фойдаланса, етарли экан. Майли, нима ҳам дердик. Зарур пайтларда, гарчи ноқулай бўлса-да, домладан рухсат олиб, олдиларида телефонда гаплашишга мажбур бўлардик. Бир куни ректоратга телефон қилишимга тўғри келди. Домла кабинетда қоғозларни ўқиш билан банд эдилар. Секин хонага бош суқдим-да, “телефон қилсам, майлими”, дегандек телефонга ишора қилдим. Домла “бемалол, марҳамат”, дедилар. Кириб гўшакни кўтардим. Телефон ишламас экан. “Телефон ишламаётган экан, домла, узр, сизни безовта қилдим”, десам, кўзойнақлари остидан маъноли қараб “Ие, ишламай қолиб-дими, мен узр сўрайман сиздан”, деб қўйдилар. Ташқарига чиқдим, домланинг гапларидан таъсирландим: “ана фаросату, мана назокат, ана улуғлиги, мана беозорлик! Домла бу телефоннинг ишламаслигини, чамамда, билардилар. Агар менга тўғридан-тўғри “телефон ишламапти” деганларида “менга халақ гаплашиб олишини айтиб, бир юмуш билан деканатга чиқдим.Танафусга кўнғирок чалинди. Кетатуриб домланинг кафедрага кириб кетаётганига кўзим тушди. Ҳартугул бүгун ўқитувчилар кам, бемалол меҳмон билан гаплашиб оладиган бўлишди, деб бамайлихотир деканатда ишларимни бажардим. Дарсга киришга кўнғирок чалинган, домла яна дарсга кириб кетганлари ва меҳмоннинг ҳам иши битганига ишонч ҳосил қилган ҳолда кафедрага кириб бордим. Қарасам, меҳмон ҳали ҳам диванга ястанганча чойдан ҳўплаб ўтирибди. “Қалай, муроднингиз ҳосил бўлдимми?”, дедим яна чой узатиб. “Домла келмадилар-ку ҳалиям”, деди меҳмон. “Ахир, ҳозиргина олдингиздан чиққан одам академик Валихўжаев бўладилар”, ажабландим мен. Меҳмоннинг авзоий ўзгарди: “Нахотки, шу инсон академик бўлса, мен у кишини оддий домлардан бири деб ўйлабман. Чойнақдаги чой тугаган экан, чой дамлаб бердилар. Туриб, бурчақдан қанд-курс олиб келиб, манзират қиларди. Қўй кўйиб бердилар. “Ҳўш, хизмат деб сўраганлари ҳам йўқ. Қайтага “йўлдан толиқиб келган бўлсангиз керак, Шухратжон ҳозир келиб қолади. Ўз уйингиздагидек бемалол ўтиринг”, десалар, мен шу кафедранинг оддий ўқитувчиларидан бири деб ўйлабман. Бир оғиз гапирмадим. Ҳатто Валихўжаевни кутяпман демабман ҳам”. Ўшанда меҳмоннинг ахволини кўринг эди. Меҳмон ҳай-ҳайлаганимга қарамай, шарт-та туриб, уятдан бошини сарак-сарак қилиб, чиқиб кетди. Менимча, домла кирганда ўрнидан турмаган ҳам бўлса керак. Домла жуда камтарона кийинар, муносабатларда тавозеъни ўрнига қўяр, ҳеч қачон ўзини қатта тутмас эди.

АНДИШАЛИЛИК...
...Султон Ҳусайн Бойқаронинг ҳаёлига Алишер Навоийга амирлик лавозимини бериш келди. Шунда Навоий кўнмай: “мен сизнинг эътиборингиз тўғрйли обрўим барча амирлардан юқорида. Қолган умримни сизнинг ҳаёт йўлингиз ва мадҳингизни тарих саҳифаларида қолдиришга бағишлашга ижозат берсангиз”, деди. Мир Алишер учун мансаб эмас, илм ва ижод завқ берар, ҳаёти мазмуни эди. Аммо султоннинг таклифини рад этиш, ношукрлик деб билиб, ушбу мансабни қабул қилишга мажбур бўлди. (Хондамир. “Хулосат ул-ахбор” асаридан)

... Университет ректори қўярда-қўймай, домлани маънавий-тарбиявий ишлар бўйича проректор лавозимига тайинлади. Домла жуда қаттиқ ўйландилар. Табиийки, бу лавозим илмий иш билан мунтазам шуғулланиш, сеvimли машғулот – талабалар билан доимий мулоқотдан узоқлаштирар эди. Домла жуда қаттиқ сиқилиб юрдилар, аммо наилож, билдирилган ишончни рад этиш ўзига кўрсатилаётган юксак эътиборни қадрламаслик, деб қаралишдан безовта бўлиб, рози бўлдилар. Домла ҳар бир кирган одам, ёшми, қарими, талабами ёки профессорми, қатби назар, ўрнидан туриб, кутиб олар, эшиккача кузатиб қўярди. Проректорнинг иши кўп, ҳали йиғилиш, ҳали юқоридан топшириқ, бу ёғи ректор қачириб қолади, қаердадир тадбир ўтказиш режалаштирилган, бир сўз билан айтганда, ҳар бири соатма-соат режалаштирилган. Бу билан қабулига келган одамнинг не иши бор. Кимдир шунчаки кадрдонимдан ҳол-аҳвол сўрагани келдим деб тезда киқишни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Кимдир қандайдир муаммо билан, яна кимдир узок ўйлаб юрган ғоясини амалга оширишга ёрдам сўраб, дардини дoston қилади. Домла йиғилишга кечикаётганини қандай айтишни билмас, суҳбатдошининг кўнглига қараса, кеч қолади, узр сўраб хайрлашса, меҳмон уни



такаббурликда айблаш мумкин. Ўтирса, юқорида унга нисбатан нотўғри фикр билдирилишдан безовта. Қабулхона эса ҳамиша одам билан лиқ тўла... Домла минг азоб билан ичидаги изтиробни билдирмас, имкон қадар ким кирса, фикрини бўлмаб, охиригача тинглар, чой узатар, стол устида турган қанд-курсдан татиб кўришга ишора қиларди. Хуллас, домла икки ўт орасида жуда қийналди ва бу у кишининг соғлигига пўтур етказди.

ХОКИСОРЛИК...
Домлани камтарликда ҳеч ким билан қиёс қила олмайман. Домла факультет эшигидан кириб борар экан, эшик олдида бир тўхтаб оладиган одатлари бор. Ёнларида турган одамга, қандай ёшда бўлишидан қатъи назар, бу кўпинча талабалар бўларди, “қани, марҳамат”, деб қўл билан олдинга ўтишга ишора қилардилар. Таниганлар “йўғ-э, домла, сиздан кейин” деса, айримлар индамай ўтиб ҳам кетаверарди. Танимаганлар домлани, билмадим, оддий ходим деб ўйлар эдилар, шекилли. Биз эса домланинг бу фазилатларини кўриб, ичимизда тасаннолар айтардик.

Бир куни домланикига бордим. Дарвозадан кириб, ҳовли ўртасида овоз чиқардим. Домла болохона деразасини очиб, бош қардилар-да, юқорига кўтарилишимни айтдилар. У киши доим болохонада ижод билан вақт ўтказарди. Мен зинадан кўтарилиб, хонага кираверишдаги ойиванад дахлизчага оёқ кийимини ечиб, ичкарига кирдим. Суҳбат анча чўзилди. Ҳатто ўртада ян-гапошчи (умр йўлдашларини шундай деб қачирардик) ҳам қаердандир етиб келиб, ярим косадан овқат ҳам тортдилар. Кетар маҳал бўлди. Ҳаққимга ҳақли ташлақлар айтиб, дуо қилдилар. Хонадан дахлизга чиқар эшикка етганимизда “қани, марҳамат”, деб менга йўл бердилар. У киши уй эгаси, мен меҳмонман. Мен қикай десам, устозимдан олдин қикш – беодоблик. Қикмай десам, у киши мени кузатиб қўяётганлари учун мени олдин қикшишимни кутиб турибдилар. У киши академик, ёшлари улуғ инсон, мен эса бор-йўғи бир ёш тадиқкотчи, шоғирдча. “Домла, узр, сиздан бўлсин”, дедя орқага тисарилдим, устозга йўл бердим. Тушундимки, домлани ҳам олдинга ўтишдан бошқа илоҳи қоламанди. Шу пайтда содир бўлган бир ҳолат бир умр кўз олдимда қолди. Домла дахлизчага қадам ташладилар, энгашиб, чеккада турган туфлимни олиб, тўғрилаб, оёғим остига қўйсалар бўладими. Пешонамдан тер қикиб кетди. “Ҳай-ҳай”, деб домланинг қўлларини ушлаганча қолдим. Зинадан қандай тушганимни ҳам, домла билан қандай хайрлашганимни ҳам эсломайман. Кўчага қикиб, ўзимга келдим... Ана, хокисорлиқнинг олий намунаси...

... Ҳар қал Самарқандга йўлим тушса, устозим габлини зиёрат қиламан. Ҳаёлан у киши билан мулоқотда бўламан. Қилган дуолари мустажоб бўлганини айтиб, кўзимга ёш оламан. Шундай инсонни менга нафақат илмда, балки ҳаётда ҳам устоз қилган Яратганга шукрлар қиламан.

ШУХРАТ СИРОЖИДДИНОВ,
Алишер Навоий номидagi Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори.

Ҳаётим давомида шарқона тарбия услубининг қанчалик мукамал, ҳаётий ва соф инсоний фазилатларга йўғрилганига кўп марта амин бўлганман. Шарқнинг аксар халқлари, хусусан, биз, ўзбекларда болалар кичиклигиданоқ катталарни ҳурмат қилиш, ота-она билан маслаҳатлашиб иш юритиш руҳида тарбия топади. Ҳатто даврада улардан юқорига чиқмаслик, берухсат сўзламаслик ёзилмаган қатъий қоидага айланган. Ота-она кексайиб, ёрдамга муҳтож бўлганида меҳр-оқибат, ғамхўрлик кўрсатиш ҳам айни шундай.

Оқибат қандай шаклланади?

Буюк рус ёзувчиси Чеховнинг “Ҳасрат” номли ҳикояси бор. Унда қирақаш – извошчи Иона Потапов ўз ғамини тинглайдиган одам топилмаганидан уни отига сўзлаб беради.

Ҳикоя ёзилганидан салкам 100 йилдан сўнг иқтидорли ёзувчи Суннатилла Анорбоевнинг “Ҳамсуҳбатлар” қиссаси босилиб чикди. Унда кўп қаватли уйлارнинг бирида қаравотта михланиб қолган қария бошқа ҳамсуҳбат топилмагани учун 5 ёшли набираси Шербекка ўз ҳасратларини тўкиб солади. Бадий асарлардаги воқеалар ривож ва тасвирларда ўхшашлик бўлиши мумкин, дейишга шошилманг. Уйлантирадигани шуки, бүгун фарзанд тарбиясида ҳам ўзга миллат тутумига ҳамоҳанглик кузатилмаётими? Чунки ўзини замонавий деб биладиган, фарзандига бироз қатъиятлик билан тарбия беришни унинг эркини бўғиш,

деб тушунадиган, аниқроғи, ғарбнинг ғариб маданиятига ҳавас қиладиган оилалар ҳам йўқ эмас-ку?!

Миллий одобимизга кўра, ота-она фарзандлари билан имкони борича кўпроқ мулоқотда бўлиши, уларнинг қизиқишлари, мақсадлари ҳақида сўраб, бу борада самимий маслаҳатлар бериши керак. Болани ёшига мос меҳнатга жалб этиб бориш, ҳалоллик, меҳр-оқибат бобида уларга ибрат бўлиш катталарнинг асосий вазифаси эканлигини унутиб қўяпмиз, менимча.

Аслида ота-онанинг жонқуярлиги, фидойилигидан меҳр туйиб улғайган фарзанд эртага ҳамма нарсанинг қадрига етади. Йўқса, “Ҳасрат” ва “Ҳамсуҳбатлар” реал воқеликка айланади. Бундан эса Ўзи асрасин.

Эгамберди ИМОНОВ,
Паст Даргон тумани
Баҳийиой маҳалласи.

Шаҳидлар хотирланди

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети тузилмасидаги Қатагон қўрбонлари хотираси мусейида “Уч авлод учрашув” бўлиб ўтди. Тадбирда университет ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Рустам Холмуродов, олийгоҳнинг фахрий профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалар иштирок этди.

Тадбирда университет фахрийлар кенгаши томонидан кексаларни эъзозлаш, уларнинг ҳолидан хабар олишдек хайрли ишлар йўлга қўйилганлиги ҳақида сўз юритилди. Яқин ўтмишнинг муҳдиси воқеаси – қатагон йиллари қатл этилган шаҳидлар хотираси ёдга олинди, улар ҳақида дуо қилинди.

Шавкат МАШАРИПОВ.

25 битирувчига 25 китоб

Нуробод туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабини жорий ўқув йилида 25 нафар йигит-қиз битирмоқда. Мактаб раҳбариятининг маълум қилишича, ўтган йили 21 нафар битирувчидан 8 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган. Бу йил эса битирувчиларнинг 20 нафарга яқини талаба бўлиш истагиди.

Яқинда мактаб битирувчилари билан Самарқанд ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети мутасаддиларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот давомида ёшларнинг келажақ орзулари, қайси касбни танлашлари ва бунинг учун қайси олий таълим муассасаларида ўқиш зарурлиги ҳақида суҳбат бўлди. Университет проректори, қишлоқ ҳўжалик фанлари доктори Абдуғани Элмуродов Самарқанд ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети қандай мутахассислар тайёрлаши ҳақида ёшларга маълумот берди.

Проректор мазкур мактабнинг 25 нафар битирувчисига шахсий жамғармасидан китоб совға қилди.

Гулчеҳра БЕРДИЁРОВА.

➤ Спорт

Самарқандлик ўқувчилар тўрт медални қўлга қиритди

Тошкент шаҳрида имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари ўқувчилари ўртасида спортнинг шахмат, енгил атлетика ва қувноқ эстафеталар турлари бўйича республика биринчилиги ўтказилди.

Унда вилоятимиз шарафини химоя қилган 59-қўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси ва 60-қўзи заиф қўрувчи болалар мактаб-интернати ўқувчилари 2 та олтин, 1 та қумуш ва 1 та бронза медалини қўлга қиритди. 59-мактаб ўқувчиси Илҳомжон Расулов ва Очилой

Мавлонова спортнинг шахмат тури бўйича ўғил ва қизлар ўртасида биринчи ўринни эгаллаган бўлса, 60-мактаб ўқувчиси Умида Худойкулова спортнинг енгил атлетика туридан узунлик сакраш бўйича иккинчи ва 100 метрга югуриш бўйича учинчи ўринни эгаллади. Бекзод АҲМЕДОВ.

MATBUOT UYI Zarafshon Самарқандский Вестник

МУАССИС: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 19 344 nusxada chop etildi. Buyurtma 334. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00



Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



Sotuvda narxi kelishilgan holda